**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING**

**QONUNI**

# Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 21 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2023 йил 20 декабрда маъқулланган

Кейинги йилларда республикамизда аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштириш, дарахтлар ва буталарни муҳофаза қилиш, шунингдек яшил зоналарни кенгайтириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бутун мамлакат миқёсида дарахтзорларни кўпайтиришга қаратилган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасининг амалга оширилиши, шунингдек қимматбаҳо навли дарахтлар ва буталарнинг кесилишига мораторий жорий этилиши шулар жумласидандир.

Бироқ айрим шахсларнинг ўсимлик дунёси объектларига нисбатан тажовузкорона хатти-ҳаракатлари, шу жумладан дарахтларнинг қонунга хилоф равишда кесилиши билан боғлиқ ҳолатлар умумэкологик вазиятнинг ёмонлашишига сабаб бўлмоқда.

Айни вақтда дарахтлар ва буталарни кесганлик, кундаков қилганлик, шикастлантирганлик ёки йўқ қилганлик учун бир нечта маъмурий жавобгарлик турларининг мавжудлиги бу борада ҳуқуқни қўллашнинг ягона амалиётини шакллантиришга тўсқинлик қилмоқда ва турли муаммоларга сабаб бўлмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида дарахтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навларини кесишга, кундаков қилишга, шикастлантиришга ёки йўқ қилишга олиб келадиган лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиққанлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда, шунингдек дарахтларни қонунга хилоф равишда кесганлик, кундаков қилганлик ёки шикастлантирганлик учун маъмурий жазо чоралари кучайтирилиб, бир-бирини такрорловчи нормалар чиқариб ташланмоқда.

Бундан ташқари «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навларини қонунга хилоф равишда кесган ёки йўқ қилган шахсларнинг қонунга хилоф равишда кесилган дарахт ва бута ўрнига компенсациявий дарахт ва бута кўчатларини айнан дарахт ва бута кесилган жойга экиш ҳамда уларни уч йил давомида парвариш қилиш мажбурияти белгиланмоқда, шунингдек дарахтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навларини қонунга хилоф равишда кесганлик ёки йўқ қилганлик учун юридик шахсларга нисбатан молиявий санкциялар қўлланилиши назарда тутилмоқда.

Қонун дарахтлар ва буталарни қонунга хилоф равишда кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, бу борада жисмоний ва юридик шахсларнинг масъулиятини оширишга, шунингдек мазкур соҳада ҳуқуқни қўллашнинг ягона амалиётини шакллантиришга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3,

5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда) қуйидаги ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

1) **77-модда биринчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўрмон фонди ерларида пичанзорлар ва яйловларни шикастлантириш, ўзбошимчалик билан пичан ўриш, дренаж тизимларини ва йўлларни йўқ қилиш ёки шикастлантириш»;

2) **79-модда**:

**биринчи қисмининг санкциясидаги** «беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача» деган сўзлар «йигирма беш бараваридан эллик бараваригача, мансабдор шахсларга эса – эллик бараваридан етмиш беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмининг санкциясидаги** «базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача, мансабдор шахсларга эса – йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Дарахтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навларини кесишга, кундаков қилишга, шикастлантиришга ёки йўқ қилишга олиб келадиган лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, –

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

3) **113-модда биринчи қисмининг диспозициясидаги** «иҳота дарахтларини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **148-модданинг диспозициясидаги** «дарахт кесиш ва уларга шикаст етказиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **261-модданинг биринчи қисмидаги** «79-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар «79-моддасининг биринчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»**ги 543–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–409-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 274-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 8, 470-модда; 2020 йил, № 9, 539-модда; 2021 йил, № 4, 287-модда, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 5, 465-модда, № 6, 577-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартириш киритилсин:

1) **10-модданинг биринчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навларини ғайриқонуний равишда кесганлик, йўқ қилганлик учун юридик шахсларга жарима тарзида молиявий санкция қўллаш тўғрисида қарор қабул қилади»;

**олтинчи – ўн иккинчи хатбошилари** тегишинча **еттинчи – ўн учинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) қуйидаги мазмундаги **49$^1$-модда** билан тўлдирилсин:

**«49$^1$-модда. Ғайриқонуний равишда кесилган ёки йўқ қилинган дарахтлар ва буталар ўрнига дарахт ва бута кўчатларини экиш**

Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навлари ғайриқонуний равишда кесилган ва (ёки) йўқ қилинган тақдирда, ушбу ҳуқуқбузарликни содир этган шахс ғайриқонуний равишда кесилган ва (ёки) йўқ қилинган ҳар бир дарахт ва бута ўрнига кесилган ва (ёки) йўқ қилинган дарахтлар ва буталардан қимматбаҳолиги жиҳатидан кам бўлмаган юз туп дарахт ва бута кўчатини дарахт ва бута кесилган ва (ёки) йўқ қилинган жойга Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги органининг қарорига кўра, ўз ҳисобидан экиши (ушбу жойда дарахт ва бута кўчатларини экиш учун ер майдони етарли бўлмаган ҳолларда, дарахт ва бута кўчатларининг қолган қисми тегишли маъмурий-ҳудудий бирликдаги бошқа жойга экилади) ҳамда уларни уч йил давомида парвариш қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги органининг ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган қарори ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан ихтиёрий равишда бажарилмаган тақдирда ғайриқонуний равишда кесилган ва (ёки) йўқ қилинган ҳар бир дарахт ва бута ўрнига кесилган ва (ёки) йўқ қилинган дарахтлар ва буталардан қимматбаҳолиги жиҳатидан кам бўлмаган юз туп дарахт ва бута кўчатини дарахт ва бута кесилган

ва (ёки) йўқ қилинган жойга, шунингдек дарахт ва бута кўчатларининг қолган қисмини тегишли маъмурий-ҳудудий бирликдаги бошқа жойга экиш ва уларни уч йил давомида парвариш қилиш масаласи суд тартибида ҳал этилади.

Ғайриқонуний равишда кесилган ва (ёки) йўқ қилинган дарахтлар ва буталарнинг қийматини, кесилган ва (ёки) йўқ қилинган дарахтлар ва буталар ўрнига экиладиган кўчатларнинг турларини, шунингдек уларни экиш муддатларини ҳамда жойини аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

3) қуйидаги мазмундаги **$49^2$-модда** билан тўлдирилсин:

**«$49^2$-модда. Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навларини ғайриқонуний равишда кесганлик, йўқ қилганлик учун молиявий санкциялар**

Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навларини ғайриқонуний равишда кесганлик, йўқ қилганлик учун юридик шахсларга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима тарзида молиявий санкциялар қўлланилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган молиявий санкциялар юридик шахслар аниқланган ҳуқуқбузарликлардаги айбини тан олганда Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан қўлланилади, низо мавжуд бўлган ҳолларда ёки юридик шахс Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг қарорини олган кундан эътиборан бир ой ичида молиявий санкция суммасини ихтиёрий равишда тўламаган ҳолларда, молиявий санкцияни қўллаш тўғрисидаги масала суд томонидан ҳал этилади».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 2-моддасининг 3-банди ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Президенти** **Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 29 февраль
№ ЎРҚ–916

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING
**QONUNI**

**О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан**

Принят Законодательной палатой 21 ноября 2023 года
Одобрен Сенатом 20 декабря 2023 года

В последние годы в республике проводятся широкомасштабные работы по озеленению населенных пунктов, охране деревьев и кустарников, а также расширению зеленых зон. В их числе, реализация в масштабе всей страны общенационального проекта «Яшил макон», направленного на увеличение древесных насаждений, а также введение моратория на вырубку ценных пород деревьев и кустарников.

Однако агрессивные действия отдельных лиц по отношению к объектам растительного мира, в том числе случаи, связанные с фактами незаконной вырубки деревьев, являются причинами ухудшения общей экологической обстановки.

В настоящее время наличие нескольких видов административной ответственности за вырубку, раскорчевку, повреждение или уничтожение деревьев и кустарников препятствует формированию единой правоприменительной практики и становится причиной различных проблем.

В связи с этим в Кодексе Республики Узбекистан об административной ответственности устанавливается административная ответственность за разработку проектной документации, приводящей к вырубке, раскорчевке, повреждению или уничтожению ценных видов деревьев и кустарников, а также усиливаются меры административного взыскания за незаконную вырубку, раскорчевку и повреждение деревьев и исключаются дублирующие нормы.

Кроме этого, в Законе Республики Узбекистан «Об охране и использовании растительного мира» устанавливаются обязательства лиц, незаконно вырубивших или уничтоживших ценные виды деревьев и кустарников, не входящих в государственный лесной фонд, по посадке компенсационных саженцев деревьев и кустарников вместо незаконно вырубленных и уничтоженных деревьев и кустарников в том месте, где прорастали вырубленные и уничтоженные дерево и кустарник, и уходу за ними в течение трех лет, а также предусматривается применение финансовых санкций к юридическим лицам за незаконную вырубку или уничтожение ценных видов деревьев и кустарников.

Закон послужит предотвращению административных правонарушений, связанных с незаконной вырубкой, раскорчевкой, повреждением или уничтожением деревьев и кустарников, повышению ответственности физических и юридических лиц, а также формированию единой правоприменительной практики в данной сфере.

**Статья 1.** Внести в **Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности**, утвержденный Законом Республики Узбекистан от 22 сентября 1994 года № 2015–XII (Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан, 1995 г., № 3, ст. 6; Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1995 г., № 9, ст. 193, № 12, ст. 269; 1996 г., № 5–6, ст. 69, № 9, ст. 144; 1997 г., № 2, ст. 56, № 4–5, ст. 126, № 9, ст. 241; 1998 г., № 3, ст. 38, № 5–6, ст. 102, № 9, ст. 181; 1999 г., № 1, ст. 20, № 5, ст. 124, № 9, ст. 229; 2000 г., № 5–6, ст. 153, № 7–8, ст. 217; 2001 г., № 1–2, ст. 23, № 9–10, ст.ст. 165, 182; 2002 г., № 1, ст. 20, № 9, ст. 165; 2003 г., № 1, ст. 8, № 5, ст. 67, № 9–10, ст. 149; 2004 г., № 1–2, ст. 18, № 5, ст. 90, № 9, ст. 171; 2005 г., № 1, ст. 18; Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2005 г., № 9, ст. 312, № 12, ст.ст. 413, 417, 418; 2006 г., № 6, ст. 261, № 9, ст. 498, № 10, ст. 536, № 12, ст.ст. 656, 659; 2007 г., № 4, ст.ст. 158, 159, 164, 165, № 9, ст.ст. 416, 421, № 12, ст.ст. 596, 604, 607; 2008 г., № 4, ст.ст. 181, 189, 192, № 9, ст.ст. 486, 488, № 12, ст.ст. 640, 641; 2009 г., № 1, ст. 1, № 9, ст.ст. 334, 335, 337, № 10, ст. 380, № 12, ст.ст. 462, 468, 470, 472, 474; 2010 г., № 5, ст.ст. 175, 179, № 6, ст. 231, № 9, ст.ст. 335, 339, 341, № 10, ст. 380, № 12, ст.ст. 468, 473, 474; 2011 г., № 1, ст. 1, № 4, ст.ст. 104, 105, № 9, ст.ст. 247, 252, № 12/2, ст. 365; 2012 г., № 4, ст. 108, № 9/1, ст. 242, № 12, ст. 336; 2013 г., № 4, ст. 98, № 10, ст. 263; 2014 г., № 1, ст. 2, № 5, ст. 130, № 9, ст. 244, № 12, ст.ст. 341, 343; 2015 г., № 6, ст. 228, № 8, ст.ст. 310, 312, № 12, ст. 452; 2016 г., № 1, ст. 2, № 4, ст. 125, № 9, ст. 276, № 12, ст.ст. 383, 385; 2017 г., № 4, ст. 137, № 6, ст. 300, № 9, ст. 510, № 10, ст. 605; 2018 г., № 1, ст.ст. 1, 4, 5, № 4, ст. 224, № 7, ст.ст. 430, 431, 432, № 10, ст.ст. 671, 673, 679; 2019 г., № 1, ст.ст. 1, 3, 5, № 2, ст. 47, № 3, ст.ст. 161, 165, 166, № 5, ст.ст. 259, 261, 267, 268, № 7, ст. 386, № 8, ст.ст. 469, 471, № 9, ст.ст. 591, 592, № 10, ст.ст. 674, 676, № 11, ст.ст. 787, 791, № 12, ст.ст. 880, 891; 2020 г., № 1, ст. 4, № 3, ст.ст. 203, 204, № 7, ст. 449, № 9, ст.ст. 539, 540, № 10, ст.ст. 593, 596, № 11, ст. 651, № 12, ст. 691; 2021 г., № 1, ст.ст. 5, 7, 12, 13, 14, № 2, ст. 142, № 3, ст. 217, № 4, ст.ст. 290, 293, приложение к № 4, № 8, ст.ст. 800, 802, 803, № 9, ст. 903, № 10, ст.ст. 966, 967, 968, 973, № 11, ст. 1066; 2022 г., № 1, ст.ст. 1, 2, № 2, ст.ст. 80, 81, № 3, ст.ст. 215, 216, № 4, ст. 337, № 5, ст.ст. 464, 465, 466, 467, № 8, ст. 787, № 10, ст.ст. 981, 984, № 12, ст. 1188; 2023 г., № 3, ст.ст. 184, 185, 188, 189, № 4, ст.ст. 265, 266, 268, № 5, ст.ст. 319, 320, № 7, ст.ст. 533, 534, 535, 537, 539, № 8, ст. 634, № 10, ст. 798), следующие изменения и дополнение:

1) **диспозицию части первой статьи 77** изложить в следующей редакции:

«Повреждение сенокосов и пастбищ, самовольное сенокошение на землях лесного фонда, уничтожение или повреждение дренажных систем и дорог»;

2) в **статье 79**:

в **санкции части первой** слова «от пяти до десяти, а на должностных лиц – от десяти до пятнадцати» заменить словами «от двадцати пяти до пятидесяти, а на должностных лиц – от пятидесяти до семидесяти пяти»;

в **санкции части второй** слова «от десяти до двадцати, а на должностных лиц – от двадцати до тридцати базовых расчетных величин» заменить словами «от пятидесяти до семидесяти пяти, а на должностных лиц – от семидесяти пяти до ста базовых расчетных величин или административный арест до пятнадцати суток»;

дополнить **частью четвертой** следующего содержания:

«Разработка проектной документации, приводящей к вырубке, раскорчевке, повреждению или уничтожению ценных видов деревьев и кустарников, –

влечет наложение штрафа на должностных лиц от пятидесяти до семидесяти пяти базовых расчетных величин»;

3) из **диспозиции части первой статьи 113** слова «защитных лесонасаждений» исключить;

4) из **диспозиции статьи 148** слова «порубка и повреждение насаждений» исключить;

5) в **части первой статьи 261** слова «частями первой и третьей статьи 79» заменить словами «частями первой, третьей и четвертой статьи 79».

**Статья 2.** Внести в Закон Республики Узбекистан от 26 декабря 1997 года № 543–I **«Об охране и использовании растительного мира»** (в редакции Закона Республики Узбекистан от 21 сентября 2016 года № ЗРУ–409) (Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2016 г., № 9, ст. 274; 2017 г., № 9, ст. 510; 2018 г., № 1, ст. 4; 2019 г., № 1, ст. 1, № 8, ст. 470; 2020 г., № 9, ст. 539; 2021 г., № 4, ст. 287, приложение к № 4, № 10, ст. 968; 2022 г., № 5 ст. 465, № 6, ст. 577) следующие дополнения и изменение:

1) в **части первой статьи 10**:

дополнить **абзацем шестым** следующего содержания:

«принимает решение о применении финансовых санкций в виде штрафов к юридическим лицам за незаконную рубку, уничтожение ценных видов деревьев и кустарников, не входящих в государственный лесной фонд»;

**абзацы шестой – двенадцатый** считать соответственно **абзацами седьмым – тринадцатым**;

2) дополнить **статьей $49^1$** следующего содержания:

«**Статья $49^1$. Посадка саженцев деревьев и кустарников взамен незаконно вырубленных или уничтоженных деревьев и кустарников**

В случае незаконной рубки и (или) уничтожения ценных видов деревьев и кустарников, не входящих в государственный лесной фонд, лицо, совершившее это правонарушение, обязано по решению органа

Министерства экологии, охраны окружающей среды и изменения климата Республики Узбекистан посадить за свой счет вместо незаконно вырубленного и (или) уничтоженного каждого дерева и кустарника не менее ста саженцев деревьев и кустарников, не уступающих по своей ценности вырубленным и (или) уничтоженным деревьям и кустарникам, на месте вырубленного и (или) уничтоженного дерева и кустарника, (в случаях, когда в этом месте недостаточно земельной площади для посадки саженцев деревьев и кустарников, остальная часть саженцев деревьев и кустарников высаживается в другом месте соответствующей административно-территориальной единицы) и ухаживать за ними в течение трех лет.

В случае, когда лицо, совершившее правонарушение, добровольно не исполняет решение органа Министерства экологии, охраны окружающей среды и изменения климата Республики Узбекистан, указанное в части первой настоящей статьи, вопрос посадки вместо незаконно вырубленного и (или) уничтоженного каждого дерева и кустарника не менее ста саженцев деревьев и кустарников, не уступающих по своей ценности вырубленным и (или) уничтоженным деревьям и кустарникам, на месте вырубленного и (или) уничтоженного дерева и кустарника, а также посадки остальной части саженцев деревьев и кустарников в другом месте соответствующей административно-территориальной единицы и ухода за ними в течение трех лет решается в судебном порядке.

Порядок определения ценности незаконно вырубленных и (или) уничтоженных деревьев и кустарников, видов саженцев, подлежащих посадке вместо вырубленных и (или) уничтоженных деревьев и кустарников, а также сроков и места их посадки определяется Кабинетом Министров Республики Узбекистан»;

3) дополнить **статьей 49$^{2}$** следующего содержания:

**«Статья 49$^{2}$. Финансовые санкции за незаконную рубку и уничтожение ценных видов деревьев и кустарников, не входящих в государственный лесной фонд**

К юридическим лицам за незаконную рубку и уничтожение ценных видов деревьев и кустарников, не входящих в государственный лесной фонд, применяются финансовые санкции в виде штрафов в размере от ста до трехсот базовых расчетных величин.

Финансовые санкции, предусмотренные частью первой настоящей статьи, при признании юридическими лицами вины в выявленных правонарушениях, применяются Министерством экологии, охраны окружающей среды и изменения климата Республики Узбекистан, а при наличии спора или в случаях, когда юридическое лицо добровольно не уплачивает сумму финансовой санкции в течение одного месяца со дня получения решения Министерства экологии, охраны окружающей среды и изменения климата Республики Узбекистан, вопрос о применении финансовой санкции решается судом».

**Статья 3.** Министерству экологии, охраны окружающей среды и изменения климата Республики Узбекистан и другим заинтересованным организациям обеспечить исполнение, доведение до исполнителей и разъяснение среди населения сути и значения настоящего Закона.

**Статья 4.** Кабинету Министров Республики Узбекистан:

привести решения правительства в соответствие с настоящим Законом;

обеспечить пересмотр и отмену республиканскими органами исполнительной власти их нормативно-правовых актов, противоречащих настоящему Закону.

**Статья 5.** Настоящий Закон вступает в силу со дня его официального опубликования.

Пункт 3 статьи 2 настоящего Закона вводится в действие по истечении трех месяцев со дня вступления в силу настоящего Закона.

**Президент**
**Республики Узбекистан** **Ш. Мирзиёев**

город Ташкент,
29 февраля 2024 года
№ ЗРУ–916